Мирзо КЕНЖАБЕК

## ЎТМИШ МАНЗАРАСИ

Бу кун туркий бўлишликдан хижолат ҳаддан ошгандир,
Тепамда чун зулм-ғорат, ҳақорат ҳаддан ошгандир.
Адолат инграгай унсиз, бошимда режали қирғин,
Разолат, фитнаю туҳмат, асорат ҳаддан ошгандир.
Қатлга ёзма буйруқ йўқ, муайян юз, аниқ зот йўқ,
Бу элни қир, дея зимдан ишорат ҳаддан ошгандир.
Ичим тўлғун заҳар-заққум, малолатдан қасос унгай,
Чекидан қон босим ошган, ҳарорат ҳаддан ошгандир.
Кимики бўлса босқинчи, нуфузли қаҳрамон дерлар.
Кимики бўлса эркпарвар, маломат ҳаддан ошгандир.
Қамоқда ётгани қанча, ақлдан озгани қанча,
Жаҳон тарихда қай кун бу ҳолат ҳаддан ошгандир?!
Гўдаклар бенажот ўлгай, заҳарсиз сув, зироат йўқ,
Мусибат, қатл ила офат, ҳалокат ҳаддан ошгандир.
Ва ҳарбий мардикор нобуд, қатор тобут келар қайтиб,
Шаҳидзор бўлди Туркистон, сиёсат ҳаддан ошгандир.
Қани Инжил? Қани Таврот? Нечун роҳиб, руҳоний жим?!
Ки ҳар зум йиғлагай Қуръон, қироат ҳаддан ошгандир.
Ҳақиқат, мажлису сайлов тузум тўқмоғи остинда,
Жаҳонда не қабоҳат бор, ниҳоят ҳаддан ошгандир.
Худонинг исмига лойиқ қоғоз ёлғонга ўрганди,
Сўзим халқимга етмайди, назорат ҳаддан ошгандир.
Чиранган барча арбобнинг жилови ёт улусларда,
Мутелар, умри «қуллуқ»дан иборат, ҳаддан ошгандир.
Ғанилар юртини сотган, амалдор миллатин сотган,
Қадим савдо қолиб, бундоқ «тижорат» ҳаддан ошгандир.
Чидаб, халқим, жасур бўлгин, кўтар бошингни, тарихда
Асорат ҳаддан ошганда жасорат ҳаддан ошгандир!

## ЮТҚИЗИҚ

Йўлдош Эшбекка

Қайтманг, қора халқим, пиёдаларим!
Ҳали мадад кутманг кажрав фарзиндан.
Руҳим! Сен омон бўл!
Шоҳга қарама!
Шоҳ буткул бехабар менинг тарзимдан!

Қора пиёдалар!
Борми омадим?
Кетдик! Рақиб томон сафар қилдим мен.

Дафъатан... Аламга чидай олмадим
Ва Йўлдош Эшбекни хафа қилдим мен.
Сенга нима бўлди,
Кажрафтор фарзин?!
Филим ўлди менинг, отим ёт бўлди.
Энди кимга сўйлай ҳолатим, арзим,
Қора шоҳим яна... мот бўлди.
Қоралар! Ҳамиша ҳолингиз тангдир.
Бу не қонуният? Не сир-синоат?!
Ахир, майдон узра сафингиз тенгдир,
Наҳот, қораларга мағлублик қисмат?!
Нечун шоҳ дейдилар ўзи бу тошни?
Мустақил йўли йўқ катак устида!
Бу қуруқ, ҳуқуқсиз митти ёғочни
Юз марта алмаштир — наф йўқ дастидан!
Сўкдим рақибимни, шоирни, дўстни,
Ўзимнинг жонимга жафо қилдим мен.
Оқларнинг сафида енггани учун
Сафдош пиёдани хафа қилдим мен.
Ўртоқ Йўлдош Эшбек!
Бунча кеккайманг!
Бунча юрагимни этманг поралар.
Мен шундай бир санъат топаман, унда

Қоралар енгади,
Фақат қоралар!..

## АЗИЗЛАРИМ

Менинг чўккан кўнглимни сиз тоғлар қилинг,
Шараф топинг, димоғимни чоғлар қилинг.
Ташландиқ юрт меҳнатига юз бурсангиз,
Менинг поймол руҳимни ҳам боғлар қилинг.
Юлқинаман, кишанларим узилгайдир,
Узолмасам, қасосимни туғлар қилинг!
Истибдоднинг тошларидан кўнглим синди,
Юрагимнинг синиғидан тиғлар қилинг.
Зулм ўтида бағрим кабоб этсангиз гар,
Вафосизлар кипригидан сихлар қилинг.

Биз телбарсак, беморлансак эл дардидан,
Синманг, эл-юрт хизматини, соғлар, қилинг.

Халқим — онам! Кўнингизга ярамаса,
Қарғаб-қарғаб, болангизни оқлар қилинг!..

## БЕРКИНИШ

Мени ҳам соғинган бирон зот борми?
Дунёда ҳижрондек истибдод борми?
Гул, сизиб юзингдан умрим ўтормиְ?—
Тиниқ кўз ёшингга беркингим келди.
Гуноҳкор бандаман... Бир суйганим бор.

Олов ичиб, қачон бир тўйганим бор?
Булутсоч сулув ёр! Ҳар ён ғаним бор!
Ҳавойи сочингга беркингим келди.
Учаман, юксакроқ чорлар самолар,
Тубанга тортолмас мени иғволар.
Ғаюр ғийбатчилар, шум бенаволар!
Бас! Само тўшига беркингим келди.
Ерда на зўрим бор менинг, на зарим.
Қуллик не? Зулм не? Узлатим, қаҳрим —

Оҳанг иморати — Қуръони карим,
Шаффоф оғушингга беркингим келди.
Дўстлардан юз бурдим, эркдан беркиндим,

Чангидим, тилсимот сочига индим,
Ёмон парчаландим, мен ёмон синдим —

Бир шафиқ очунга беркингим келди.
Сиз мени на шовқин-ғавғодан изланг,
На исён, на шеър, на дунёдан изланг.
Ёронлар! Мирзони Мирзодан изланг,
Ўзимнинг ичимга беркингим келди.

## БИЛМАСМАН

Умид унармикин, оллоҳ, билмасман,
Ситам синармикин, оллоҳ, билмасман.
Лаҳзада юз аср умрин яшадим,
Ҳаёт ҳунармикин, оллоҳ, билмасман.
Қоронғулик куйиб тутқун жонимда,
Жунун жўнармикин, оллоҳ, билмасман.
Юрсам, оёғимнинг жабрларига
Йўллар кўнармикин, оллоҳ, билмасман;
Турсам, мазлумларнинг кўз қарошидан
Зулмат ёнармикин, оллоҳ, билмасман.
Ўз додим додларни эшиттирмас ҳеч,
Додхоҳ синармикин, оллоҳ, билмасман.

Салтанат аҳлининг кўнглида абад
Тунлар тунармикин, оллоҳ, билмасман.
Исёнимдан тавба қилмасман илло,
Қоним қонармикин, оллоҳ, билмасман!
Танам дарахтига учқур, мададкор
Руҳлар қўнармикин, оллоҳ, билмасман.
Менинг ҳам кўзимга бирон зум сокин
Уйқу инармикин, оллоҳ, билмасман...
Тағин ўлмасимдан бунча иғволар,
Ўлсам, тинармикин, оллоҳ, билмасман!..

ЭЪТИРОФ

## ЎЗБЕГИМ ОЛДИДА ТАЪЗИМДАМАН

ЗАМОНАМИЗ БЕСАРАМЖОН, одамлар беҳаловат бўлиб қолди. Кунда-кунаро қандайдир кўнгилсиз воқеадан хабар топасан киши. Буни қарангки, инсон боласи шунақа шароитга ҳам кўникиб қоларкан. Ахир, кўникмай илож қанча?! Ҳаёт тўхтамай давом этмоқда. Ер курраси тиним билмай айланиб турибди...

Яратганнинг ўзига минг қатла шукрларким, Ўзбекистондек кўптилли жумҳуриятда иқтисодий, маънавий вазият Иттифоқнинг бошқа талай ўлка ва вилоятларидагига нисбатан анча барқарор. Одамлар орасидан диёнат, имону инсоф унчалик кўтарилиб кетмаган. Илоё, бундан буён ҳам кўз тегмасин, ғаламисларнинг кўзи кўр, қулоғи кар бўлсин! Бундай ҳаётдан нолиган киши, назаримда, инсофдан чиққандек туюлади.

Шулар ҳақида фикрлар эканман, хаёлимда бундан салкам эллик йил муқаддам мен мансуб бўлган қримтатар халқи минг бир ҳақсизлик билан ўз она юртидан бадарға қилингани, мол юкланадиган вагонларда озиқ-овқатсиз, кийимбоши юпун ҳолда бир ойга яқин йўл бостириб, бегона юртларга келтирилгани кўз олдимда бир-бир гавдаланади. Ўша сталинча қатағон йилларида Урал ўрмонларида, Қозоғистоннинг жазирама чўлларида, Мари овулларида неча минглаб ватандошларим, бири гўдаклигида, бири кексалик ёшида ҳаётдан кўз юмганлиги ҳақида ўйласам, ҳануз қалбим ларзага келиб, юрагимдан қон сирққандай бўлади. Бунга янги манзилларга етиб келгунча эшелонларда жон берганларни, қайсидир бекатларда бир бурда нон, бир қултум сув топиш мақсадида поезддан тушиб, қолиб кетган кўйи оиласи дийдорини кўрмай нобуд бўлган ёки бедарак йўқолганларни ҳам қўшинг-а!..

Ҳайриятки, Ватанидан жудо бўлган ҳамюртларимнинг асосий қисми Ўрта Осиё жумҳуриятларига, шу жумладан, халқининг бағри даласидай кенг, кўнгли пахтасидай оқ ва юмшоқ Ўзбекистон деган бир сахий ва саҳоватли юртга келтирилган экан. Ўзи меҳнатсевар, бироқ ўша пайтларда мурувватга, бир оғиз илиқ сўзга зор қримтатарлар маҳаллий халқ билан тез орада ўзаро тил топишиб дўст-ёр, биродар бўлиб кетишди. Табиатан меҳмондўст, сахийқалб ўзбек халқи биз жабрдийда мусофирларга, иссиқ ўрнидан, мол-мулкидан ажралганларга қўлидан келганича (уруш ҳали давом этаётган ўша йилларда жумҳурият туб аҳолисининг аҳволи ҳам айтарли даражада эмас эди) ёрдам кўрсатди, уйида бир ҳовуч дони бўлса, ярмини бизга берди, етим-есирларнинг бошини силади. Хуллас, ҳимматини аямади.

Албатта, дини бир, тили яқин, анъаналари бир-бириникига ўхшаганлиги қримтатар халқининг дил азобларини, қатағон йиллар уқубатларини бирмунча унуттиришга сабаб бўлди. Улар ўзбеклар билан бирга масжидларга бордилар, фарзандларининг урушда тезроқ ғалаба қозониб, уйларига соғ-саломат қайтиб келишлари учун дуога қўл очиб, Алло Таолога илтижо қилдилар. Бундан туб аҳолининг қримтатарларга ишонч-ихлоси янада ортди. Дастлабки йиллар қишлоқда бирор кишининг боши оғриб қолса ё фарзанди ҳолсизланса, бувимнинг олдига келиб, Қуръон очдириб, дам солдирганларини кўп кўрганман. Ҳамқишлоқларимиз бувимни, у туфайли оиламиз аъзоларини беҳад ҳурмат қилишар, ҳар бир ишда бизга кўмак беришар, йўл-йўриқ кўрсатишарди. Бу ҳоллар отамдан тортиб уч яшар укамгача ҳаммамизнинг кўнглимизни кўтарар, яшаш учун курашишга ундар, шу билан бир қаторда, она-Ватанга тез кунларда қайтиб боришга бўлган ишончимизни оширар эди.

БИР ВОҚЕА СИРА ЭСИМДАН ЧИҚМАЙДИ. Оиламизнинг кенжаси — уч яшар укам кўчиб келганимизга ҳали ҳафта ҳам бўлмай, бир куни қўлида тандирдан ҳозиргина узилган иккита нон кўтарган ҳолда қувонч билан уйга кириб келди. Ҳовлида аллақандай юмуш билан банд бўлиб юрган дадам укамнинг қўлидаги нонларни кўриб, хавотир аралаш шоша-пиша сўради:

— Ҳой, бола, нонларни қаердан олдинг?

Укам бурро-бурро жавоб берди:

— Жума холамникига чиққан эдим. Тандирдан нон узаётган эканлар. «Ол, уйларингга олиб бор», дедилар. Саватдан битта нон олган эдим, «Жуфт қилиб ол», деб иккинчисини ўзлари бердилар.

Кейин билсак, укам шу бир ҳафта мобайнида маҳалладаги тенгқурлари билан танишишга улгуриб, Жума холанинг невралари билан дўстлашган, ўзбекчани бинойидек ўрганиб олган экан.

Афсуски, укам ва бир синглим, шунингдек, биз билан Мешан қишлоғига баравар кўчириб келтирилган яна бир оиланинг тўрт аъзоси бирортаси қолмай, оламдан кўз юмишди. Маҳалла аҳли бандаликни бажо келтирганларни дафн этишда, таъзия расм-русумларни бажаришда бизга мудом ҳамдард, кўмакдош бўлишди.

Тўғри, дастлабки пайтларда қримтатарларнинг янги маконларга, нотаниш табиий шароитга мослашиб кетишлари анча қийин бўлди. Ҳар ҳолда, Қора денгиз соҳилларидаги иқлим бу ердагидан анча фарқли эди. Бунинг устига очлик, қимматчилик, сариқ ва безгак касалликларининг хуружи кўп нимжон норасидаларни, бемажол кексаларни ёруғ дунёдан олиб кетди.

Бундай воқеалар киши хотирасида бир умрга муҳрланиб қолиши табиий, албатта. Айниқса, болалик чоғларингдан кўрган-кечирганларингни узоқ вақт эслаб юраркансан киши.

...1944 йилнинг ёзи. Қримтатарлар юкланган вагонлар катта-катта станцияларда тўхтаб, одамларни вокзалга туширишади, бу ердан эса, араваларда, баъзан машиналарда янги масканларга олиб кетишади. Бизларни — бир қишлоқдан кўчирилган ва битта вагонда келтирилган ҳамқишлоқларни Наманган вилоятининг Чортоқ темир йўл станциясида туширишди. Ҳамма ололган ва бир ойлик йўлдан кейин ёнида қолган бор-бисотини бўхчаларга тугиб, вокзал олдидаги майдонга жам бўлди. Атрофда дарҳол одамлар тўпланди. Бизлар уларга, улар бизларга жовдирашиб қараб турган пайтимизда, икки оиладан бўлиб бир аравага жойлашишимизни айтишди. Бизлар баланд икки ғилдиракли аравага (кейин билсам, «Ўзбек арава», «Қўқон арава» дейиларкан) чиқиб жойлашдик. Бизни илк бор таажжублантирган нарса шу бўлдики, аравакаш аравага чиқмай, отга минди. Биз ўз юртимизда бундай одатни кўрмаганлигимиз боис бир-биримизга ажабланиш билан, зимдан қараб олдик. Болалар эса, пиқирлаб кулиб юборишди. Дадам қовоғини уйиб, ҳаммамизни тартибга чақирди.

Арава ўртаси дўнг, икки чети ариқ бўлиб қолган тупроқ йўлдан бир маромда борар экан, аравакаш ҳар замон-ҳар замонда орқасига қайрилиб алланималар деб ғудраниб қўярди. Бир маҳал дадам бизнинг диққатимизни ўзига жалб қилиб, паст овозда гапириб қолди:

— Аравакашнинг сўзларига қараганда, бу ер мусулмонлар юртига ўхшайди. Сўзларининг кўпи бизларникидек. «Гитлер, лаънати» деди. Чамамда, бизларнинг ҳолимизга ачиниб, фашистларни сўкаяпти...

Дадамнинг башоратлари рост бўлиб чиқди. Биз кўп ўтмай қишлоқ аҳлига эл бўлиб кетдик. Булут опа соғиб ичиш учун бизга эчкисини берди. Қишлоқ отахонлари Абдулла, Сулаймон, Олимбой, Турдиқул бувадек мўътабар кишилар бизларни фарзандларидек тарбия қила бошлашди. Биз улардан янги юртда ҳаёт сабоқларини ўрганишга киришдик...

Орадан, мана, ярим аср ўтиб бораяпти. Бу давр тарих учун унчалик катта муддат бўлмаса-да, бизларга — янги юртда улғайган мен ва мен каби қримтатар авлодига, уларнинг фарзандларига ҳам изтироб, ҳам эзгулик, ҳам умид келтирган давр бўлгани ҳеч кимга сир эмас.

Менинг тенгқурларим Ўзбекистон тупроғига қадам қўйганларида ё саводини уйда чиқарган, ёки ҳали «Алифбо»ни қўлига олмаган ёш болалар эди. Нафсиламбрини айтганда, устингиздан ўқлар визиллаб, атрофингизда дамодам бомбалар портлаб, иморатлар ёниб турган, қишлоқ ва шаҳарларимиз гоҳ душман қўлига, гоҳ ўзимизникилар қўлига ўтаётган вазиятда мактаб, ўқиш ҳақида хаёл қилишнинг ўзи ҳам ножоиз эди.

Бир куни янги ўртоқларим билан мол боқиб юрганимда, энг яқин дўстим Султонмаҳмуд Мамадалиев сўраб қолди:

— Мактабга олиб борсам, мен билан бирга ўқийсанми?

Бу саволни эшитиб, суюнганимдан кўзларим чақнаб кетди.

— Албатта, ўқийман!.. — дедим қатъият билан.

Кечқурун бу гапни уйимиздагиларга билдирганимда, энг аввало, бувим қувватладилар. Бироқ, ҳарф таниганим билан ҳали мактаб партасида бирор кун ҳам ёлчитиб ўтирмаган, ёши энди 10-11 га борган мен болакайни нечанчи синфга олишарди дейсиз?

Султонмаҳмуд 3-синфда ўқир экан. Ўша синфга минг истиҳола, ийманиш билан кириб бордим. Қўнғироқ чалиниб, ўқитувчи синфга киргунча юрагим хижолатдан тарс ёрилиб кетай деди. Ҳайрият, ўртоғим аҳволимни тушунди. Ўқитувчига мени таништириб, иккаламиз дўст эканлигимизни айтди. Муаллим мени тахтага чиқариб, бир неча ҳарф ёздириб кўрди. Шубҳасиз, мен ўзбекча ҳарфларни билмаганимдан ўзимни ноқулай ҳис этдим.

Шунда у киши менга тасалли бериб:

— Ҳечқиси йўқ, Зокир барча ҳарфларни тез кунда ўрганиб олади, шундайми, болалар, — деди синфга қараб. Ҳамма бирдан «албатта!» дея тасдиқлади.

Мен ўзимни ўша куни хижолатдан қутқазган, кейинчалик менга ўз укасидек таълим-тарбия берган, бироқ оламдан эрта кетган биринчи ўқитувчим Абдувоид Отахоновни умримнинг охиригача унутмайман. Бугунги кунда қўлимда қалам билан халқимга озми-кўпми хизмат қилаётган бўлсам, бунда биринчи муаллимим, устозим Абдувоид аканинг улкан ҳиссаси бор деб ҳисоблайман. Кейинчалик ўқишда, илм олишда, касб танлаш ва ижодий маҳорат эгаллаш бобида, менга мадад бўлган яна қатор устозларим олдида қўлим кўксимда, бошим ерга теккунча таъзимдаман.

ДАРВОҚЕ, БИЗЛАР, менинг кўпгина тенгқурларим ўзбек мактабларида ўқидик, ўзбек халқи анъаналари руҳида тарбия топдик. Қадимий шарқ халқларидан бири бўлган ўзбек халқи тарихи ва маданияти билан ошно бўлдик. Кейинчалик ҳам кўпчилигимиз



олий ўқув юртларида ўзбек тилида ўқидик, ҳунар эгаси бўлдик. Меҳнат фаолиятимизни ҳам ўзбек жамоаларида бошладик. Бу гапларни таъкидлашимдан мақсад шуки, бизлар, баъзи бировлар ўйлаганларидек, саводсиз қолганимиз йўқ. Аксинча, ўзбек тилида бемалол ёзиб-ўқий олганлигимиз туфайли 1957 йилда Ўзбекистонда қримтатарча газета чиқа бошлагач, она тилимизни ўрганишимиз ва ўз забонимизда адабий машқларга қўл уришимиз анча осон кўчган. Шундай қилиб, кўпгина қримтатар ёш қалам соҳиблари ҳам ўзбек тилида ҳамда она тилларида асарлар ярата бошладилар. Ҳозир жумҳуриятда Айдер Осман, Исо Абдураман, Аблязиз Велиев, Шерян Алиев, Урие Эдемова, Билял Мамбет, Сафтер Нагаев, Венера Ибраимова, марҳум Мамбет Аблялимов ва яна бошқа қатор ижодкорларни ҳар икки халқ адабиёт шайдолари яхши билишади. Улар ўз асарларини икки тилда яратиб, кўпчиликнинг эътиборига тушганлар. Бундан ташқари, икки тилда қалам тебратувчи бу ижодкорлар ўзбек китобхонларини қримтатар ва бошқа халқларнинг адабиётлари билан, қримтатар китобхонларини эса, ўзбек адабиёти дурдоналари билан мунтазам таништириб бормоқдалар.

Икки халқ — ўзбеклар билан қримтатарлар ана шундай тинч-тотув, оға-ини, ёру биродар бўлиб яшаб келди. Улардан ҳеч бирининг маъракаси бир-бирининг ташрифисиз ўтмайди. Ўнлаб қримтатарлар узоқ йиллар ўзбек жамоаларида ишбоши, ташаббускор ёрдамчилар бўлиб келишаётгани ҳам кўпчиликка аён. Бу ҳолат бизларнинг қалбимизда ҳақиқий фахрланиш ҳиссини тўлқинлантиради.

Энди давр, замона ўзгара бошлади. Ярим асрдан бери Ватандан жудолик дардини чеккан, ўттиз беш йилдан буён бу йўлда тинмай кураш олиб бораётган қримтатарларнинг ҳам кўкракларига шамол тега бошлади. Ошкоралик ва демократия туфайли бу ситамгар халқнинг ярим асрлик жудоликдан сўнг Ватанига қайтиш йўлидаги баъзи тўсиқлар олиб ташланяпти. Ҳозиргача 100 мингдан ортиқ киши ўз Ватанида қайтадан ҳаёт қурмоқда. Лекин бу қайтиш, янги ҳаёт қуриш қримтатар халқига жуда қимматга тушмоқда. Қримдаги маҳаллий партия ва совет ташкилотлари туб халқнинг аждодлари Ватанига, ўзининг ҳақиқий Ватанига қайтишларига, қатағон қилинган бу халқнинг ҳақ-ҳуқуқларини тезда тиклаш тўғрисида СССР халқ депутатлари съездида декларация қабул қилинганига, халқни қайтариш бўйича ҳукумат комиссияси тузилиб, Давлат программаси эълон қилинганига қарамай, ишни пайсалга солмоқдалар.

Баъзан ошна-оғайнилар билан учрашганимизда:

— Ҳа, Зокиржон, Қримга кетадиган бўпсизлар-да! — дейишса, қалбимда ҳам қувонч, ҳам қандайдир ғашлик пайдо бўлади. Қувонганимнинг боиси — халқимнинг йиллар давомида олиб борган оқилона курашининг натижаси кўринаяпти. Ахир, ҳар бир одамнинг она-ватани бор, у қандай бўлганда ҳам ўз юрти. Ғашлигим сабаби шуки, шунча йил бирга яшаган, елкама-елка туриб меҳнат қилган биродарлардан, устоз-шогирдлардан, қадрдонлашиб кетган оғайнилардан масофа нуқтаи назаридан узоқлашамиз.

— Майли, ҳечқиси йўқ, — дея таскин беришади улар яна менинг маъюс тортганимни кўриб, — кўнгил яқин бўлса бас. Нима, Қрим қочиб кетибдими?! Нари борса, 3-4 соатлик йўл экан. Муҳими, бир-биримизни унутмасак, борди-келдини узмасак, бўлгани. Эллик йилда эл янгиланади, бегона эл бўлади, деган гап бор. Бизлар бир-бирларимиз билан, эл-элат бўлиб кетганмиз. Сизни ҳеч ким, ҳеч қачон миллатингизни атаган эмас, ажратган эмас!

ХУДДИ ШУНДАЙ! Ҳеч ким бизларга «сен қримтатарсан» деб юзимизга тик боққан эмас. Биз ҳам ўзбек халқининг удумларини, анъаналарию урф-одатларини ҳурмат қилган ҳолда яшадик. Ўзимиз мусофир бўлсак-да, ўзбекнинг тўрида ҳурмат-иззатда эканлигимизни бир зум бўлса ҳам унутмадик!

Ажойиб ўзбек биродарларимга, ҳали-ҳозиргача мени қримтатардан чиққан ўзбекгим дея ардоқлаб келган катта қалбли азим халққа берган нону тузи учун, меҳнатим эвазига кўрсатган эъзозу ҳурмати учун қўлимни кўксимга қўйиб таъзим қиламан!

Хонадонингиз ҳамиша тинч ва файзли, дастурхонингиз тўкин, имонингиз бут-ва бизнинг содиқлигимизга умрбод комил бўлсин!

Зокир ҚУРТНЕЗИРОВ



Дўрмонда Наврўз тантанаси.

## АФҒОНИСТОНЛИК НАВОИЙШУНОС

Таниқли афғон олими Муҳаммад Ёқуб Воҳидий Жузжоний 1932 йил бошларида Сарипул шаҳри яқинидаги Кичик имом қишлоғида туғилди ва ёшлик йиллари шу ерда кечди. Қишлоқда ўзбеклар кўпчиликни ташкил қилсалар ҳам, она тилида таълим берадиган мактаб йўқ эди. Шу сабабли бўлажак олим миллати ўзбек бўлишига қарамай дарий тилида саводини чиқарди. Олдин Сарипулдаги мактабда, сўнгра Кобулда ўқитувчилар тайёрлайдиган курсда таҳсил олди.




Бир неча йил ўқитувчилик қилган Муҳаммад Кобул дорулфунуни адабиёт факультетига кириб ўқиди. Дастлабки илмий ишлари талабалик чоғида эълон қилинди. Булар олим туғилиб ўсган Жузжон вилоятининг тарихи ва тарихий жуғрофиясига доир мақолалар бўлиб, илмийлиги, фактларнинг аниқлиги билан етакчи афғон олимлари диққатини жалб қилди. Унинг, айниқса, улуғ ҳаким Ибн Синонинг севимли шогирди Абу Убайд Жузжоний ҳаёти ва фаолиятига доир тадқиқотлари диққатга сазовордир. Ўтмишда форсий тилда яратилган адабий ёдгорликлар Афғонистонда анчагина сақланиб қолган бўлиб, 60-йилларда уларни қидириб топиш, илмий жиҳатдан ўрганиш, танқидий матнларини тайёрлаш ишларига эътибор кучайган эди. Воҳидий ҳам шу йўналишни давом эттириб, атоқли форсийшунос олимга айланиши мумкин эди. Лекин ёш олим журъат билан ўзига жуда қийин йўлни танлади. У туркийшунос бўлиб, Афғонистонда яшаган ўзбек шоирлари, биринчи галда буюк Алишер Навоий асарларини илмий ўрганишга аҳд қилди.

Муҳаммад Ёқуб Воҳидий Афғонистонда янги давр навоийшунослиги ва туркийшунослигига асос солган заҳматкаш олимдир. У етук туркийшунос бўлиш учун Афғонистонда олган билим камлигини тушуниб, 1965 йили Туркиядаги Афғонистонга оид қўлёзмаларни ўрганиш учун тарих жамияти томонидан ўзининг Истанбулга жўнатилишига эришди. Истанбул кутубхоналари шарқ қўлёзмаларига бойлиги билан бутун жаҳонга машҳур эди. Воҳидий ўзбек тилидаги қўлёзма ва китоблар, ҳамда Туркия олимларининг туркий адабиёт тарихига доир илмий ишларини ўқиб-ўрганди. Шайбоний, Убайдий каби ўзбек шоирлари девонларининг нодир қўлёзмаларини ўз қўли билан дафтарга кўчириб олди. Олим Истанбул кутубхоналарида Ҳусайн Бойқаро девонининг ўндан ортиқ қўлёзма нусхаларини топди. Буларнинг баъзилари Ҳусайн Бойқаронинг ўз замонасида кўчирилган бўлиб, ниҳоятда нодир манбалар ҳисобланарди. Туркиядан қайтиб келгач, кўп ўтмаёқ у «Ҳусайн Бойқаро адабий асарлари» мақоласини эълон қилди. Олим бу соҳадаги ишни давом эттириб, Ҳусайний девонининг мукаммал матнини тайёрлади ва баъзи тўсқинликларга қарамай, уни катта сўзбоши, муфассал изоҳлар ва луғат билан Кобулда нашр этди. Китобдан Ҳусайнийнинг 202 та ўзбекча ғазали, икки муҳаммаси ва тўрт рубоийси, форсий шеърларидан намуна, шунингдек, Жомий ва Навоийга бағишлаб ўзбек тилида ёзилган адабий рисоласи ўрин олган. Бундан ташқари олим Ҳусайний девонининг бир қанча нодир нусхалари тавсифини ҳам келтиради. Бу ғоят муҳим илмий иш Ўзбекистон олимлари томонидан ҳам юқори баҳоланди. Унга ижобий тақризлар ёзилди.

1968 йили Воҳидий Алишер Навоийнинг 525 йиллик юбилейига бағишлаб Тошкентда ўтказилган мажлисда иштирок этди. У юбилейга ўзи бошқош бўлиб, нашр эттирган Афғонистон олимларининг Навоий ҳаёти ва ижоди ҳақидаги илмий мақолалари тўпламини туҳфа сифатида олиб келган эди. Юбилей кунларида у жумҳуриятимиз навоийшунос олимлари билан яқиндан танишди. Олимнинг бундан кейинги фаолияти Ўзбекистон билан чамбарчас боғлиқдир.

Воҳидий билимини чуқурлаштириш, ўзбек адабиётининг минг йиллик тарихини қалбига жо қилиш учун 1969 — 74 йилларда Тошкентда Абу Райҳон Беруний номидаги шарқшунослик институти аспирантурасида таҳсил олди. Бу даврда Навоий асарлари билан бирга Ўрта Осиёда яшаб ўтган ўзбек шоирлари Огаҳий, Мунис, Турди, Нодира, Фурқат, Муқимий ижодини ўрганишга ҳам катта эътибор берди. Б. Аҳмедов, А. Ўринбоев, Ш. Шомуҳамедов, А. Рустамов ва марҳум Э. Рустамов каби ўзбек олимлари билан дўстона муносабатда бўлди. Ватанига қайтгач, Воҳидий етук олим сифатида Афғонистон тарих жамиятининг раиси этиб тайинланди.

Саур инқилобидан кейин олим фаолиятида янги давр бошланди. Энди у ёлғиз бўлмай, ўзбек адабиёти масалалари билан шуғулланувчи ёш шогирдлар тайёрлаган эди. Унинг раҳбарлиги ва ёрдамида истеъдодли ёш олим Абдулғаффор Баёний машҳур муаррих Хондамирнинг Навоий ҳаёти ва фаолиятига бағишланган «Макорим ул-ахлоқ» китобининг илмий-танқидий матнини тайёрлаб Кобулда нашр этди. Яна бир шогирди Шафиқа Ёркин Бобур асарлари устида самарали тадқиқотлар олиб борди. Бу изланишларнинг натижаси ўлароқ Кобулда Бобурнинг девони ва бошқа асарларидан намуналарни ўз ичига олган китоб Воҳидий тузган изоҳлар ва луғат билан чоп этилди. Домла Воҳидий ҳозир ҳазрат Навоийнинг 550 йиллик тўйларига тўёна учун «Вақфия», «Мезон ул-авзон» каби асарларини мўътабар нусхалар асосида нашрга тайёрлаш билан банд.

Олим 25 йиллик илмий ва маърифий хизматлари учун Афғонистон Фанлар академияси мухбир аъзолигига сайланган бўлиб, кейинги йилларда академиянинг ўзбек тили ва адабиёти шўъбасига бошчилик қилмоқда. Айни пайтда у Кобул дорулфунунининг ўзбек тили ва адабиёти факультетида ёш шогирдларга Навоий ижодидан сабоқ бераётир. Устознинг эзгу орзуларидан бири улуғ бобомизнинг 550 йиллик юбилейини Афғонистон тупроғида ҳам муносиб кутиб олиш, ҳамда бу қутлуғ сана шарафига Ўзбекистонда бўлиб ўтадиган тантаналарда иштирок этмоқликдир.

Ғулом КАРИМ

АДАБИЁТИМИЗНИНГ ЙИЛЛИК ҲИСОБОТЛАРИ

# БОЛАЛАР КИТОБГА МУҲТОЖ БЎЛМАСИН

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Болалар адабиёти кенгашининг 15 март куни бўлиб ўтган йиллик ҳисобот йиғилишида жумҳуриятда болалар учун яратилаётган асарлар савияси, уларни нашр этиш, тарғиб қилиш масалалари хусусида фикр юритилди. Кенгаш раиси Носир Фозилов йиғилишни очар экан, ўтган йил «Ёшлик», «Ёш куч», «Гулхан», «Ғунча» ойномаларида, «Ленин учқуни» рўзномасида болалар учун кўплаб асарлар чиққани, Х. Тўхтабоев, Ҳ. Назир, А. Юнусов, Э. Маликов, А. Кўчимов, М. Аъзам, А. Обиджон ва бошқаларнинг насрий ҳамда шеърий асарлари нашр этилгани, болаларнинг китоб байрамлари, ёш ижодкорларнинг ижодий конкурсларини ўтказиш яхши натижалар бераётганини айтиб ўтди. Лекин айни пайтда, ўтган йили болалар учун яхши драматик асарлар яратилмаганини, радио ва зангори экранда болалар учун эшиттиришларнинг савияси тушиб кетаётганлигини ҳам таъкидлади.

Баҳс-мунозара тарзидаги йиғилишни бошлаб берган Худойберди Тўхтабоев болалар учун китоб нашр этишнинг аҳволи хусусида сўз юритди.

— Ҳозирги кунда ҳамма нашриётлар хўжалик ҳисобига ўтмоқда ёки ўтиш арафасида турибди, — деди у. — Нашр ишларидаги моддий танқисликлар, аввало, даромадбоп бўлмаган болалар адабиёти нашрига жиддий зарар етказмоқда. Бундан 3—4 йил аввал, китоб чиқариш иттифоқда бола бошига учтани, жумҳуриятимизда эса атиги 0,9 тани ташкил қилар эди. Ўшандан кейин биз ҳам болаларимизга китоб чиқаришни кўпайтириш ҳаракатини бошладик. Янги нашриётлар, нашриёт-матбаа бирлашмалари очилди. Хўш, оқибат нима бўлди?

Оқибати аён, «Чўлпон» нашриётида 1989 йилда пландаги 21 номдаги китоб кейинги йилга сурилган. Шунинг 90 фоизи болалар учун китоблар бўлган. 1990 йилда 19 номдаги китоб йилдан-йилга кўчган. Унинг 80 фоизи болалар учун асарлар бўлган. Бу йил эса болалар учун чиқариладиган китоблар 25—30 фоиз қисқармоқда. «Камалак» нашриёт-матбаа бирлашмасида 1989 йилда болаларга аталган 80 ном китобдан 30 ном қисқарган, 1990 йилда эса 34 ном қисқарган. 1991 йилда эса болалар учун бор-йўғи 21 номда китоб чиқариш мўлжалланмоқда. Ғ. Ғулом номидаги нашриёт-матбаа бирлашмаси эса болалар адабиёти намуналарини чиқармайдиган бўлди.

Шундай қилиб жумҳуриятимизда бугунги кунда 3—4 йил олдинги нашрларимизга нисбатан 30 номдан ортиқ китоблар кам чиқариладиган бўлди. Яъни, бола бошига китоб нашри 0,9 дан 0,5 га тушиб қолди. Бошқачароқ айтсак, бу — икки болага бир китоб демакдир.

Булардан келиб чиқиб болаларимизнинг китобхонлик даражаси ҳам ниҳоятда тушиб бормоқда. Кутубхоналарда, савдо магазинларида ўзбек тилидаги болаларбоп китоблар ниҳоятда кам, асосий аҳолиси туб миллат бўлган қишлоқларимизда ҳам рус тилидаги китоблар ошиб-тошиб ётибди. Шунинг учун болалар китобларини савдо қилиш иттифоқ миқёсида бола бошига 3 сўмни ташкил қилса, жумҳуриятимизда бу кўрсаткич тийинлардан иборат.

Энг ёмони, жамиятимизда моддий танқислик болалар тарбиясида маънавий танқисликка йўл очиб бермоқда.

Шундан кейин баҳс-мунозара давом этди. Пирмат Шермуҳамедов бугунги экологик бузилишлар натижасида жумҳуриятимизда туғилаётган болаларнинг соғлиги жиддий хавф остида қолаётгани хусусида, Ойдин Ҳожиева ёш авлодни тарбиялашда санъатнинг ролини оширишга жиддий эътибор берилаётгани, лекин қишлоқ жойларида бу имкониятдан фойдаланиш сустлиги борасида, Ўктам Ҳакимали адабиётимизда Анвар Обиджон асарларининг муваффақияти, уни мукофотлар билан тақдирлаш ҳақида, Мамасодиқ Ҳусаинов болалар адабиёти танқидчилиги муаммолари ва унга эътибор тўғрисида мулоҳазалар билдирдилар. Ҳаким Назир, Қутби Носирова, Раҳмат Азизхўжаев, Раҳимжон Отаев, Чори Аваз, Эркин Маликов ва бошқалар болалар учун яратилаётган асарлар савиясини кўтариш, тарихни ҳаққоний акс эттирувчи болаларбоп асарлар яратиш, кичкинтойлар ва ўсмирларни фикрлашга, мушоҳада қилишга ўргатадиган асарларга кенг эътибор бериш, радио ва телевидениеда болалар учун эшиттиришларнинг сифатини яхшилаш ҳамда шу каби қатор муаммолар хусусида фикрларини, таклифларини айтдилар.

Баҳс-мунозарани жумҳурият Ёзувчилар уюшмаси бошқарувининг котиби Абдусаид Кўчимов якунлади.

**К. МАТЕҚУБОВ**

# ЭРКИН ФИКР АЛМАШУВ

Ижодий кенгашларнинг йиллик ҳисобот йиғилишлари бу йил турли шаклларда ташкил этилмоқда. Танқид ва адабиётшунослик кенгашининг Ҳ. Олимжон номидаги Адабиётчилар уйида шу йил 13 март куни бўлиб ўтган ҳисобот мажлиси ҳам янгича — эркин фикр алмашув тарзида олиб борилди.

Кенгаш раиси Озод Шарафиддинов йиғилишни очиб, 1990 йили ўзбек танқидчилиги ва адабиётшунослигида қандай янгиликлар пайдо бўлгани, бу соҳанинг ҳозирги аҳволи тўғрисида айрим мулоҳазаларини айтди.

— Адабиётимизда марказдагидек катта муаммолар теран таҳлил қилинган тадқиқотлар яратилмаган бўлса-да, — деди О. Шарафиддинов, — танқидчилигимиз ва адабиётшунослигимиз ўзбек адабиётининг бошқа соҳалари каби ишламоқда. Иброҳим Ҳаққул, Ғайбулла Саломов китоблари, Наим Каримовнинг йиллик мукофот берилган «Аждаҳо комида» мақолалар туркуми, «Ойбек ва Зарифа» китоби янгиликлардир. Газета-журналларда кўп бақувват мақолалар чиқди. Мен адабиёт газетамизда босилган Одил Ёқубовнинг «Шоир ҳақида сўз» мақоласини тилга олиб ўтишни истардим. Бу мақолада муаллиф адабий авлодлар ўртасидаги узилмас алоқани, Абдулла Орипов ижодининг моҳиятини яхши кўрсатиб берган.

Адабий асарлар таҳлилида сезиларли ўзгаришлар юз бермоқда. Мен бу ерда Хайриддин Султонов, Ҳамидулла Болтабоев, Муртазо Қаршибоевнинг Қодирий, Фитрат, Чўлпон ижодига бағишланган мақолаларини алоҳида таъкидламоқчиман. Ёш дўстларимиз архивларда ўтириб, янги материалларни топиб мақолалар ёзмоқдалар. Бу муайян жонланишдан далолатдир. Лекин, умуман олганда, танқидчиликнинг ҳозирги аҳволи бизни қаноатлантирмайди. Мактабларда нима ўқитилмоқда? Чўлпон, Фитратлар программага киритилган. Бироқ нимани ўқитиш керак? — Материал йўқ! Биз адабиётни чеклаб қўйган эканмиз. 10-, 20-, 30- йиллар адабиёти ҳақидаги қарашларимиз номукаммал. Адабиётни қайта баҳолашимиз ҳам системали эмас. Масалан, Ғафур Ғулом. Зўр асарлари бор, замонасозлиги ҳам бор. Бинобарин, шоир ижодини холис баҳолашимиз керак.

Ҳозир адабиётни халқдан жудо қилинмоқда. Нашриётлар давлатники, улар чиқараётган китоблар эса бозор баҳосида!.. Адабий-танқидий китобларни бостириш ўлимдан баттар қийин. Масалан, не-не машаққатлар билан «Адолат» комиссияси тайёрлаган китоб ҳамон бор отангга, бор онангга бўлиб Ғафур Ғулом номидаги нашриётда чиқмасдан ётибди. Танқидни ривожлантириш учун шароитни яхшилаш зарур...

Профессор А. Ҳайитметов классик адабиётимиз нашри, тадқиқоти, тарғиботи масалалари юзасидан гапириб, ҳаётимизда узоқ йиллар ҳукм суриб келган нотўғри тенденциялар ҳақидаги мулоҳазаларини билдирди.

Ёш олимларимизнинг фаоллиги, янги фикрларни айтаётганликлари кишини қувонтиради. Лекин улар баъзан бирёқламаликларга ҳам йўл қўймоқдалар. Айтайлик, Навоий ижодини фақат тасаввуфга боғлаб қўйиш нотўғрин. У ғоят кенг қамровли сўз санъаткори. Навоийнинг дунёвий шеърлари кўп. Мен истеъдодли, серғайрат олимимиз Иброҳим Ҳаққулнинг ўтган йили «Шарқ юлдузи»да босилган мақоласидан қониқмадим. Унда бирёқламалик бор. Баъзи олим укаларимиз, масалан, Муҳаммаджон Имомназаров «Шарқ юлдузи»да, Ваҳоб Раҳмонов, Афтондил Эркинов эса «Ёшлик»да босилган мақолаларида одоб доирасидан чиқиб кетибдилар... Биз бир-биримизнинг дилимизни оғритиб қўядиган иш қилмайлик. Ҳақиқий зиёлиларга хос йўл тутайлик!

Профессор У. Норматов ўз сўзида адабий-танқидий фикрда янгилик бўлган С. Олимнинг «Лисон ут-тайр»га бағишланган мақоласини, В. Раҳмоновнинг «Навоий ва Аттор», Б. Қосимовнинг «Карвонбоши», Ҳ. Исмоиловнинг «Туркистон 1917 йилда» мақолаларини ижтимоий тафаккуримиз янгиликлари сифатида баҳолади. Ҳ. Абдусаматовнинг «Ҳамза ва Чўлпон» мақоласида холислик етишмайди, деди.

— Анвар Жабборовнинг «Синчалак» ҳақидаги фикрлари мени ажаблантирди, — деди У. Норматов. —Анвар мақолада асарни нуқул қоралаш йўлидан боради...

Мен ёш адибларимизнинг фаоллигидан хурсандман. Хуршид Дўстмуҳаммад, Эркин Аъзамов, Тоҳир Қаҳҳор, Хайриддин Султон бақувват мақолалар эълон қилдилар. Драматург Машраб Бобоев эса Шароф Бошбековнинг «Темир хотин» пьесаси ҳақида танқидчилар айтмаган гапни айтди. Умуман, танқидчиларимиз драматургияга эътибор бермай қўйдилар.

Адабиётимиз ва тарихимизнинг шундай даврлари борки, уларни ўзбек олимларидан кўра хорижлик олимлар чуқурроқ ва холисроқ тадқиқ этганлар. Токио университетининг доценти Хсао Комацу ана шундай олимлардан. У кўп йиллардан бери ўзбек адабиёти ва тарихи билан астойдил шуғулланиб келади. Республикамизда ҳам бўлган бу япон олими яқинда ўзбек танқидчиси Ортиқбой Абдуллаевга мактуб ёзиб ўз асарларидан совға қилибди. Йиғилишда О. Абдуллаев шу ҳақда гапириб берди.

— Хсао Комацу 1981 йили Анқарада «Фитратнинг «Мунозара» асари ҳақида қайдлар» рисоласини турк тилида эълон қилган, — деди О. Абдуллаев. — «Ёш бухороликларнинг фикр такомили тарихидан» асарини эса Лондонда, инглиз тилида нашр этган. Тадқиқотда жадидчилик ҳаракати теран текширилган. Бу олимнинг яна «Бухоро маҳаллалари» (1978), «Бухоро ва Қозон» (1983), «Ўрта Осиёда мусулмонларнинг аҳволи» (1984), «Тошкент эшонлари» (1983), «Андижон қўзғолони ва эшон Мадали» (1986), «Қўқон ва Истанбул» (1989) каби мақола ва тадқиқотлари япон ҳамда турк тилларида босилган. Бу асарларнинг баъзилари ўзбек тилига таржима қилинмоқда. Кўринаётирки, биз адабиётимизни, тарихимизни ўрганишда кўп жиҳатлардан ҳатто япон олимларидан ҳам жуда ортда эканмиз. Чет эл олимлари эса маданиятимиз ҳақида дунёнинг турли жойларида яратилган барча тадқиқотлардан хабардорлар. Масалан, мен улуғ турк олими Фуод Кўпрулузоданинг «Турк адабиёти тарихи» (1926) йирик тадқиқоти билан китобни Хсао Комацу туҳфа қилиб юборгачгина танишдим...

Адабиётшунос Ш. Ризаев Г. Ҳидоятовнинг рус тилида «Ўқитувчи» нашриётида чиққан Ўзбекистон тарихига бағишланган китобини тарихни нотўғри баҳолаган асар сифатида танқид қилди. Китобда, масалан, рус чоризмининг босқинчилик сиёсати хас-пўшланади, жадидлар — монархистлар малайи, дейилади. Шуҳрат У. Норматовнинг «Жадидизм адабиётга ҳеч нарса бермади» деган фикрини рад этаркан, жадидларнинг публицистикаси ҳозирги публицистикамиздан анча юксак савияда бўлганини эслатди.

Танқидчи С. Мелиев А. Жабборовнинг «Синчалак» ҳақидаги мақоласини ёқлади. У: «Абдулла Қаҳҳор, шубҳасиз, катта санъаткор, балки, Шароф Рашидовдан бир неча баравар устун адиб. Лекин менга «Бўрондан кучли» билан «Синчалак» ўртасидаги принципиал фарқни ким кўрсатиб беради? Иккала асар ҳам мафкуравий адабиётнинг намунаси, улар ўртасида принципиал фарқ йўқ», деди.

Йиғилишда адабиётшунос ва танқидчилардан Р. Иноғомов, Н. Худойберганов, Э. Каримов, Ҳ. Абдусаматов адабий алоқаларни янгича шароитда ривожлантириш, таҳлилда турли қолиплардан воз кечиш, ижодий йиғилишларни мажлисбозлик руҳидан қутқазиш, ёзувчилар ижодини, фаолиятини давр билан боғлаб тадқиқ этиш ҳақида гапирдилар.

Танқидчиларнинг йиллик ҳисобот йиғилишини О. Шарафиддинов якунлади.

**Маҳмуд САЪДИЙ**

Боши иккинчи бетда

# ҲАЗРАТ НАВОИЙГА ҚЎЁЛМАГАН ҲАЙКАЛИМ

Атоқли олим, Ҳамид Сулаймонов номидаги Ўзбекистон Қўлёзмалар илмий текшириш илмгоҳининг мутасаддиси, Навоий таваллуд тўйини ўтказиш ҳайъатининг аъзоси Азизхон Қаюмов билан суҳбатимиз яхши кечганди, таклифларим маъқул тушгандек эди. Бироқ у киши яқинда матбуотда мухбир саволига берган жавобларида «Афсуски, улкан меъморий майдонни, катта ҳудудни таъмирлаш ва ободонлаштириш ишларини ўзида мужассамлаштирадиган ёдгорликни бунёд этишга доир биронта ҳам лойиҳа берилмади», дебдилар. Бу ўринда домла, эҳтимол, чизилган лойиҳани назарда тутгандирлар. Лекин қоғоздаги фикр бирор меъморий идора қўлласа, лойиҳага айланади-да, ёзувчи меъморий лойиҳа тузмайди-ку. Нима бўлгандаям, менинг таклифим ҳурматли олимимиз айтгандай «улкан меъморий майдонни, катта ҳудудни таъмирлаш ва ободонлаштириш ишларини ўзида мужассамлаштирган» таклиф эмасмиди?

Менга яқинда шаҳар ижроқўмининг ўтган йил 4 апрелдаги 136/5 рақамли буйруғини кўрсатишди. Бу буйруқда Навоий кўчасини ёдгорлик мажмуасига айлантириш кўрсатилган. Шунга мувофиқ Шоирлар хиёбонидаги Бобур, Зебуннисо, Муқимий, Фурқат, Абдулла Қодирий, Пушкин ва бошқа адибларнинг ҳайкаллари бузиб ташланди. Сўнгра улар аллақайси мактабларга олиб бориб ўрнатилган эмиш. Тавба, шаҳар хиёбони қаерда-ю, мактаб хонаси қаерда? Наҳотки, мутасаддилар бунинг фарқига боришмаса?!.

Чиқмаган жондан умид, деб мен бу хусусда жумҳуриятимиз Президентига бир неча бор мурожаат қилдим. У ердагилар хатларимни қуйи идораларга юборишди, бу ердагилар эса йўққа чиқариб юбораверишди. Шундан кейин мен ҳамкасбларимга, жумладан, Навоий ёдгорлиги хусусида ҳал қилувчи овозга эга бўлган адиблар — жумҳурият Олий кенгаши вакилларидан бир нечасига учрашдим, лекин бирортасидан далда ололмадим. Начора!..

Ҳамма жойда «Сиз фараз қилган ёдгорликни ўрнатиш учун камида 30 миллион сўм пул керак», деб баҳона қилишади. Ҳолбуки, бу аввало, тахминий ҳисоб-китоб. Аслида боғ учун унча кўп маблағ кетмайди. Сарой хусусига келсак, шу кунларда оддий чойхона ҳам, мачитлар ҳам шарқона услубда қуриляпти, бу муаммо эмас. Мабодо, маблағ етишмаса, Алишер Навоий асарларининг қайта-қайта нашрлари, ҳаттоки, айтилаётган қўшиқлари матнларига ажратилган қалам ҳақларидан фойдаланиш мумкин-ку. Жуда бўлмаса, халққа мурожаат қилинса ҳам бўлади-ку. Борди-ю, шу боғу сарой чет эллардаги — Шарқдаги иона идоралари билан биргаликда қурилса-чи? Ахир, машҳур Тожмаҳални етти иқлим усталари барпо этишган-ку? Агар чет эллик дўстларимиз бу ишга бош қўшишса, бир томондан савоб, иккинчи томондан боғдан тушадиган фойда (фойда тушиши эса аниқ)га шерик бўлишлари ҳам мумкин.

Энди майдон ҳудудидаги эски уйларда истиқомат қилаётган аҳолининг «жойимиздан кўчмаймиз», деган гапларга келсак. Улар бу жойларни ҳукумат олгач, аллақандай келгиндилар учун «дом»лар қуриб бериши мумкинлигидан ташвишдалар, холос. Агар уларга бу ерлар ҳақиқатан ҳам боғ бўлади деб тушунтирилса, шу яқинроқда, масалан, Чақар маҳалласида қурилган янги уйлардан хонадон берилса ёки, четроқдан бўлсаям, ҳовли-жой учун ер ажратилса, жон деб рози бўлишлари турган гап. Чунки шаҳарнинг қоқ марказидаги бир қаватли уйларнинг барибир қолмаслиги ҳаммага маълум. Хуллас, бу иш учун озгина хоҳиш-истак керак, озгина халқ, миллат равнақи учун жон куйдириш лозим.

Ҳазрат Навоий тўйи шу мақсадда тузилган доимий ҳайъат бошчилигида қарсагу олқишлар билан ўтиши тайин. Шу аснода собиқ Шоирлар хиёбонига бориб, Навоий ҳайкали пойига гулдасталар қўйилса керак. Лекин ҳозиргача шоирнинг уч марта бузилиб, уч марта тикланган, сал наридан берига сурилган, бир оз баланд кўтарилган эски ҳайкалига бир эътибор билан қаранг-а. У зот «Во ажабо, менинг рўпарамда турган не-не шуаро ва адибо қаён кетмишлар?» деб ҳайрон бўлаётгандай туюлса, ажаб эмас. Ҳа, яхшими-ёмонми, шоирнинг бу тўйи ҳам ўтаяпти. Унинг номида боғ ва сарой қурилиши мумкин бўлган майдон эса маъмуриятчи-буйруқбоз тўраларнинг қоғозлари-ю, бирбирига, ноаҳл, бемеҳр ижод аҳлининг дилларидек ҳувиллаб ётибди.

Қисқаси, улуғ бобомизга муносиб ёдгорлик барпо этишга менинг кучим етмади. Эҳтимол, яна ярим аср ўтгач, фарзандларимиз адибнинг 600 йиллик муборак тўйига ушбу ёдгорликни армуғон этарлар. Умидворманки, ниятларимиз ижобат бўлғай, оллоҳу акбар.





Наврўз нашидаси

С. МАҲКАМОВ суратга олган

# НОШИРЛАР ВА АДИБЛАР МУЛОҚОТИ

Яқинда Ўзбекистон ССЖ Матбуот Давлат қўмитасида жумҳурият Ёзувчилар уюшмаси раҳбарлари билан амалий учрашув бўлиб ўтди. Учрашувни қўмита раиси У. Абдураззоқов кириш сўзи билан очди. Сўнгра Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси бошқарувининг биринчи котиби Одил Ёқубов адиблар билан ноширлар ўртасидаги дўстона ҳамкорлик хусусида фикр юритди. Ёзувчилар уюшмаси фирқа қўмитасининг котиби, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Иброҳим Раҳим, «Гулистон» ойномасининг бош муҳаррири, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Мирмуҳсин, шоир ва таржимон Жамол Камол ва бошқалар Ўзбекистонда яшаб ижод этаётган қаламкашлар асарларининг нашри ва сифатини яхшилаш, таржима китобларига эътиборни кучайтириш лозимлигини таъкидладилар.

Учрашувда «Чўлпон» нашриёти директори Нурали Қобул, Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа бирлашмаси бош директори Бобохон Шарипов, бош муҳаррир Хайриддин Султонов, «Ёзувчи» нашриёти директори Шоир Усмонхўжаев, «Ўзбекистон» нашриёти директори Рустам Шоғуломов, «Камалак» нашриёт-матбаа бирлашмаси бош директори ўринбосари шоир Хуршид Даврон, бош муҳаррир Нормурод Нарзуллаев, «Ўзбеккитоб» бирлашмасининг бошқарувчиси Сотиболди Йўлдошев, офсет фабрикаси директори Ботир Диёров нашриётлардаги аҳвол тўғрисида гапирдилар.

Жумҳуриятда қоғоз мустақиллигига эришилмас, матбаачилик соҳасидаги муаммолар ҳукумат миқёсида ҳал этилмас экан, бу борада узоққа бориб бўлмайди. Умуман олганда, жумҳуриятимизда матбуот тараққиётининг аҳволи ва уни яхшилаш масалаларини ҳар томонлама пухта ўрганиб, Президентлик кенгаши, Вазирлар маҳкамаси муҳокамасига қўйиш пайти келди. Китобларни тарқатиш, уни меҳнаткашлар оммаси ўртасида тарғибташвиқ этиш масалаларини марказлаштириш, бунинг учун «Ўзбеккитоб» билан «Ўзбекбирлашув» китоб савдоси фаолиятини мувофиқлаштириш жоиздир. Ёш муаллифларнинг илк китобларини босиб чиқаришда ҳамкорликни кучайтириш ниятида Ёзувчилар уюшмаси қошида ёш қаламкашлар қўлёзмалари нашри жамғармаси ташкил этилса, ўзбек халқининг бой маданий-адабий меросини, тарихини халққа етказиш, айниқса, қатағонга учраган олимлар, ёзувчилар номларини тиклаш, уларнинг асарларини кенг ёйиш мақсадида жумҳурият нашриётлариаро «Адолат», «Мерос» кутубхоналари, серияларини ташкил этилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Мулоқот жараёнида нашриёт, матбаа китоб савдоси кадрларини танлаш, уларнинг билим-малакаларини ошириш, матбуотчиликда тижорат ишларини йўлга қўйиш, чет эллик ноширлар ва матбаачилар билан алоқани жонлантириш, муҳаррирлар билан муаллифлар ижодий дўстлигини мустаҳкамлаш, нашрга тавсия этилаётган қўлёзмалар савиясини яхшилаш, ижодий ходимларнинг моддий-оилавий шароитларини яхшилаш, ижодкорлар ва нашрларга солинадиган солиқларни қайта кўриб чиқиш, ўқув дарсликлари ва қўлланмаларини ўз муддатида сифатли нашр этиш, мактаблар ҳамда ўқув юртларида ўзбек тили, адабиёти ва тарихини ўқитиш, ушбу фанлар бўйича дарслик яратиб, чоп этиш каби масалалар юзасидан ҳам қимматли таклиф-мулоҳазалар билдирилди.

Ноширлар, матбаачилар ва ёзувчилар учрашувида Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамаси раисининг ўринбосари Э. Самандаров, Ўзбекистон ССР Президентлик кенгашининг аъзоси, Ўзбекистон халқ шоири Шукрулло қатнашиб, нутқ сўзладилар.

# ВИЖДОНИНГИЗ УЙҒОҚМИ?

МУЛОҚОТ

«Илҳомжон айни соғлом, бақувват, куч-ғайратга тўлган 27 ёшида совет милицияси сафида сидқидилдан ҳалол хизмат қилиб келаётган эди. Тасодифан ўнг биқини оғриб қолди. «Тез ёрдам»ни чақирдик. Келган шифокор, ошқозонингиз оғриган, деб дори ичириб кетди. Лекин оғриқ ўтиб кетмади. Эртасига у поликлиникага бориб, жарроҳ Ў. Худойқуловга учрашди. Жарроҳ кўричак бўлганини айтиб, касалхонага йўлланма ёзиб берди. Бу ерда бош врач А. Омонов кўричак эмас, қорнинг оғриган деб, уйга қайтариб юборди. Кечқурунга бориб оғриқ зўрайди, тонг отгач, яна «тез ёрдам» чақирдик. «Тез ёрдам» уни касалхонанинг жарроҳлик бўлимига олиб борди. У ерда навбатчи шифокор кўриб, марказий касалхонанинг юқумли касалликлар бўлимига ўтказди. Бу бўлим шифокорлари ҳам зудлик билан диагноз қўёлмадилар. Кейин чақирилган бошқа жарроҳ тезда операция қилиш кераклигини айтиб, жарроҳлик бўлимига олиб кетди ва ниҳоят бош врач операция қилди. Сўнг реанимация бўлимига ётқизилди. Беморнинг аҳволи, оғирлашаверди. Эртасига марказий касалхонанинг жарроҳи уни қайтадан операция қилди, афсуски, боламнинг аҳволи ўнгланмади ва 1990 йил 4 август куни Илҳомжон ҳаётдан кўз юмди. Икки боласи, ёш оиласи, ота-она кўзда ёш билан чирқиллаб қолавердик...»

Бу парчани Бухоро вилояти, Шофиркон район «Ўзбекистон» жамоа хўжалигида яшовчи Улуғ Ватан уруши ногирони Шариф Раҳмонов муҳарририятимизга йўллаган мактубдан келтирдик.

Бир қарашда бечора йигитнинг умри қисқа экан-да, деб ичингиз ачиб, афсус чекасиз. Лекин, барибир кўплаб беморларнинг ҳаёти, кўплаб тақдирлар шифокор масъулиятига, меҳр-шафқатига боғлиқ эканини хаёлдан ўтказасиз. Илҳомжон бевақт кетди, қанча куйиб-ўртаниб ёзмайлик, энди уни ҳаётга қайтариб бўлмайди. Лекин тақдирга тан бериб, бундай ҳолдан кўз юмиб ўтаверсак охир-оқибат нима бўлади? Илҳомжоннинг ўнг биқини оғриган куни «Тез ёрдам»да келган врач ошқозон дорисини ичирмай дурустроқ текширса ва бемор ўша куннинг ўзидаёқ операция қилиниб, кўричакдан халос этилса, бу кўргуликлар қайда эди?! Қаранг: «Тез ёрдам», поликлиника, касалхона, яна «Тез ёрдам», яна... Бемор у ёқдан бу ёққа, бу ёқдан у ёққа эътиборсиз буюмдек ўтказилаверган. На бош врач, на жарроҳ вақтида жон куйдириб қайишмаганлар. «Қорни оғрияпти», «Ошқозони оғриган» деб ўзларидан нарига соқит қилаверганлар. Шунчалик ҳам бўладими? Бир инсонни дунёга келтириб, уни 27 ёшга киргизгунча она озмунча жафо чекканми, озмунча тунларни бедор ўтказганми? Наҳотки, бу ердаги шифокорлар шунчалар лоқайд?

Район прокуратураси «бу ишда жиноят аломати йўқ» деб ишни бекор қилган. Тўғри, район прокуратураси балки жиноят аломати йўқлигини қайсидир йўл билан асослар. Лекин нега энди кимнингдир 10 сўм пулини ўғирлаган одам жазога тортиладию, бир инсон умрига зомин бўлган одам лоақал огоҳлантирилмайди? Қани бу ерда адолат? Ваҳоланки, 10 сўм пулнинг ўрнини тўлдириш, кўпайтириш мумкин, бу унчалик катта фожиа ҳам эмас, вафот этган инсонни-чи, уни қайтариб, тирилтириб бўладими? Энди Ш. Раҳмонов хатидан айнан келтирилган мана бу сатрларга эътибор беринг: «Врач А. Омонов фаолиятида бунақа воқеалар кўп бўлган, лекин ҳеч ким эътибор бермайди. Илҳомжоннинг вафотидан кейин Карл Маркс номидаги жамоа хўжалигида яшовчи Даврон деган йигитни операция қилганда ичида доканинг бир бўлагини қолдириб юборган. Даврон узоқ ётиб тузалмагач, бошқа жарроҳ докани олиб ташлаган. Маърифат исмли 25 ёшли ҳомиладор аёлни, кўричагингиз оғриган, деб операция қилиб уни қанчалар мушкул аҳволга солди. А. Омоновга нисбатан чора кўрадиган кишилар топиладими?»

Мактубдаги гаплар қанчалик аниқ эканига биз кафолат беролмаймиз, лекин у ҳақ талабни қўймоқда. Вилоят соғлиқни сақлаш бўлими раҳбарлари Шофиркон район касалхонасидаги бундай ачинарли ҳолатдан наҳотки, бехабар бўлишса! Фарзанд доғида ўртаниб ётган Ш. Раҳмонов саволига улар нима деб жавоб беришади? Муҳарририятимиз уларнинг жавобини кутади.

**М. ТУРОБОВА,**
**хатлар ва оммавий ишлар бўлими мудири**

# ДОИРА ДОВРУҒИ

**Тошкентда Ўрта Осиё ва Қозоғистон доирачилар жамияти тузилди. Ана шу жамият ташаббуси билан 27 мартдан бошлаб атоқли санъаткор Уста Олим Комилов хотирасига бағишлаб «Зарб — 91» доирачилар конкурси ўтказилади. Танлов ҳайъатининг раиси, Ўзбекистон ССР халқ артисти Қаҳрамон ДАДАЕВ жамоатчи мухбиримизга мазкур йирик маданий воқеа хусусида қуйидагиларни гапириб берди:**

— Ўзбек миллий чолғу асбоблари ичида доира алоҳида ўрин тутади. Доира — миллий санъатимизнинг жаҳон миқёсида юзи ва кўрки эканлигини ўз тажрибамдан яхши биламан. Гапнинг очиғи биз ҳали замонавий санъатимизнинг етакчи турлари билан дунё миқёсига чиқа олмаяпмиз. Шундай бўлса-да, кўп миллатли мамлакатимиз ва хорижий элларда ўзбек доирасини жуда яхши билишади. Лекин сўнгги йилларда санъатнинг барча соҳаларига Ғарбнинг таъсири кучайиб, миллий маданиятимизнинг ўзига хос ҳусни бироз хира тортди. Афсуски, бундай таъсирдан доира санъати ҳам четда қолмади. Доирачилик санъатининг узоқ асрлик бой тажрибаси ва устозларимиз ўгитларини бир қадар бой бериб қўйдик. Шу боис анъаналаримизни қайта тирилтириш, ёш доирачиларни тарбиялаш ва янги истеъдодларни аниқлаш мақсадида ўтган йили Ўрта Осиё ва Қозоғистон доирачилар жамиятини таъсис этдик. Жамият раиси этиб Элмурод Исломовни сайладик.

Айни пайтда жамиятимиз жумҳуриятимизнинг барча вилоятларида ва қардош Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркманистонда иш олиб бормоқда. Самарқанд ва Андижон вилоятларида ҳам доирачилар ансамбли тузилди.

Энди бевосита «Зарб-91» конкурси ҳақида сўзлашдан аввал уни устоз Уста Олим Комилов хотирасига бағишлаб ўтказилаётганлиги бизни жуда қувонтирганини таъкидламоқчиман. Чунки Уста Олим Комилов доирачиликда улкан мактаб яратган бенazir зотдир. Ҳозирда халқимизга хизмат қилаётган етакчи доирачилар ана шу мактабнинг тарбиясини олишган. 1935 йили Лондонда ўтказилган бутун жаҳон рақс ва фольклор фестивалида бешта олтин медалнинг бири Уста Олим Комиловга берилгани устознинг истеъдоди нақадар кучли бўлганини тасдиқлайди.

Танловнинг дастлабки босқичлари вилоятларда ўтказилади. Ғолиблар Тошкентда, финалда иштирок этишади. Танловга Ўзбекистон халқ артистлари Камолиддин Раҳимов, Абдуҳошим Исмоилов, Маъмура Эргашева, шунингдек, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар Элмурод Исломов, Одил Камолхўжаев, Талъат Сайфутдинов, Ҳусан Носиров, Комилжон Ҳакимов ва Тожикистон ССРда хизмат кўрсатган артист Ғуфрон Раимбоев ҳакамлик қилишади.

Танловда яккахон ва доирачилар ансамбллари учун учта лауреатлик ўринлари таъсис этилган.

Доира санъатимизни ташвиқ қилиш ёш талантлар маҳорати ва бадиий дидини ошириб, ўзбек миллий доирачилик мактаби анъаналарини янада мустаҳкамлаш йўлида ўтказилаётган танловимизда унинг барча қатнашчиларига омад тилайман.

**Ж. САФОЕВ ёзиб олди**

Маданият ходимларининг малакасини ошириш жумҳурият олий билимгоҳи раҳбарияти, фирқа ва касаба уюшмаси ташкилотлари «Санъат» кафедраси ўқитувчиси Озода Раимбоевага отаси

**Раҳим РАИМБОЕВ**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

